| | чиқиш ва тайёрлаш орқали Банк Кузатув кенгашига самарали фаолият юритишига кўмаклашишдан иборат;<br><br>**Корпоратив бошқарув, ходимларни тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитаси қўйидаги Кузатув кенгаши аъзоларидан таркиб топган:**<br>1. Исхакова Фируза Саидэхсоновна - қўмита раиси;<br>2. Абдуллаев Зикирилло Сагдуллаевич;<br>3. Бурханов Бобир Нодирхонович.<br><br>**Аудиторлик қўмитасининг вазифаси ва функциялари:**<br><br>• Банкнинг ички назорат тизимини самарали ташкил этиш;<br>• Ташқи ва Ички аудит жараёнида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш;<br>• Аудиторлар тавсияларининг бажарилишини Банк бошқаруви устидан назорат қилиш;<br>• Банкда юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар бўйича маълумотларни ўзаро алмашиш;<br>• Таваккалчиликларни бошқариш тизимига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш бўйича чораларни кўриш мақсадида таваккалчиликларни бошқариш бўлинмаси билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш.<br><br>**Аудиторлик қўмитаси қўйидаги Кузатув кенгаши аъзоларидан таркиб топган:**<br>1. Мирзарахимов Шухрат Бахрамжонович - қўмита раиси;<br>2. Абдуллаев Зикирилло Сагдуллаевич;<br>3. Исхакова Фируза Саидэхсоновна. |
| ***26. Жамиятнинг коллегиал (якка) ижроия органи тўғрисида маълумотлар*** | Банкнинг коллегиал ижроия органи куйдагилардан иборат:<br><br>**1.** ***Нуманова Ольга Леонидовна.***<br>***Лавозими:*** Бошқарув раиси;<br>***Сайланган сана:*** 2024 йил 3 январ;<br>***Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:***<br>1) 2019-2023 йй – “Invest Finance Bank” АЖ Бошқарув Раиси биринчи ўринбосари;<br>2) 2024 й. – ҳ.в. “Invest Finance Bank” АЖ Бошқарув раиси.<br>Банк акцияларига эгалик қилмайди.<br><br>**2.** ***Кадиров Равшанбек Шохрухбекович.***<br>***Лавозими:*** Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари;<br>***Сайланган сана:*** 2024 йил 21 август;<br>***Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:***<br>1) 2021-2023 йй – “Asakabank” АЖ Ғазначилик департаменти директори;<br>2) 2023-2023 йй – “Asakabank” АЖ Ғазначилик департаменти Молиявий директор (CFO);<br>3) 2023-2024 йй – “ASAKA” АЖ Раҳбарият таркибида Молиявий директор;<br>4) 2024 й. – ҳ.в. “Invest Finance Bank” АЖ Бошқарув Раиси биринчи ўринбосари.<br>Банк акцияларига эгалик қилмайди.<br><br>**3.** ***Хожиев Дилшод Мураталиевич.***<br>***Лавозими:*** Бошқарув раисининг ўринбосари;<br>***Сайланган сана:*** 2019 йил 25 феврал; |

| | |
|---|---|
| | ***Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:***<br>2019 й. – ҳ.в. “Invest Finance Bank” АЖ Бошқарув Раиси ўринбосари.<br>Банк акцияларига эгалик қилмайди.<br><br>**4.** ***Салимов Пулат Тимурович.***<br>***Лавозими:*** Бошқарув раисининг ўринбосари;<br>***Сайланган сана:*** 2019 йил 01 июн;<br>***Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:***<br>2019 й. – ҳ.в. “Invest Finance Bank” АЖ Бошқарув Раиси ўринбосари.<br>Банк акцияларига эгалик қилмайди.<br><br>**5.** ***Каримов Руслан Анварович.***<br>***Лавозими:*** Бошқарув раисининг ўринбосари;<br>***Сайланган сана:*** 2024 йил 05 сентябр;<br>***Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:***<br>1) 2019-2023 йй – “Invest Finance Bank” АЖ Ғазначилик департаменти директори;<br>2) 2024 й. – ҳ.в. “Invest Finance Bank” АЖ Бошқарув Раиси ўринбосари.<br>Банк акцияларига эгалик қилмайди.<br><br>**6.** ***Худайбердиев Бобир Искандарович.***<br>***Лавозими:*** Ички назорат департаменти директори;<br>***Сайланган сана:*** 2024 йил 20 май;<br>***Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:***<br>1) 2022-2023 йй – “Ипотека-банк” АТИБ Комплаенс назорати департаменти директори;<br>2 ) 2023-2024 йй – “Ипотека-банк” АТИБ Комплаенс ва ички назорати департаменти бўлим бошлиғи;<br>3) 2024 й. – ҳ.в. “Invest Finance Bank” АЖ Ички назорат департаменти директори.<br>Банк акцияларига эгалик қилмайди.<br><br>**7.** ***Аллаёрова Дилрабо Нормаматовна.***<br>***Лавозими:*** Банк Бош бухгалтери;<br>***Сайланган сана:*** 2024 йил 26 июл;<br>***Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:***<br>1) 2019-2024 йй – “Капиталбанк” АТБ бош бухгалтери;<br>2) 2024-2024 йй – “Invest Finance Bank” АЖ Бухгалтерия ҳисоби департаменти Бош бухгалтер ўринбосари;<br>3) 2024 й. – ҳ.в. “InFinBank” АЖ Бош бухгалтери.<br>Банк акцияларига эгалик қилмайди. |
| ***27. Жамият ижроия органининг вазифаси топширилган ташкилот тўғрисидаги маълумот*** | Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда Банкинг ижроия органининг ваколатлари бошқа тижорат ташкилотига ўтказилмаган. |
| ***28. Мукофот ҳамда иш ҳақининг умумий миқдори, шунингдек, сўнгги 1 йил учун мазкур Рисоланинг 24, 26 ва 27-бандларида кўрсатилган жамиятнинг шахсларига берилган ва тўланган имтиёзлар.*** | Банкнинг ушбу рисоланинг 24 бандида кўрсатилган Кузатув кенгаши аъзоларига сўнги 1 йил учун тўланган мукофотнинг умумий миқдори 10 252 804 443,53 сўм.<br><br>**Банкнинг ушбу рисоланинг 26 – бандида кўрсатилган ижория органи аъзоларига мукофот ва иш ҳаққи хамда берилган ва тўланган имтиёзлар:**<br><br>**2024 йил учун:**<br>1) Нуманова Ольга Леонидовнага<br>***мукофотлар*** - 391 932 598,94 сўм;<br>***иш ҳақининг умумий миқдори*** – 1 360 616 250,64 сўм;<br>***имтиёзлар*** - берилмаган ва тўланмаган.<br><br>2) Кадиров Равшанбек Шохрухбековичга<br>***мукофотлар*** – 1 155 000,00 сўм; |

| | |
|---|---|
| | ***иш ҳақининг умумий миқдори*** - 440 948 945,44 сўм;<br>***имтиёзлар*** - берилмаган ва тўланмаган.<br><br>3) Салимов Пулат Тимуровичга<br>***мукофотлар*** – 221 636 654,5 сўм;<br>***иш ҳақининг умумий миқдори*** – 1 110 990 595,26 сўм;<br>***имтиёзлар*** - берилмаган ва тўланмаган.<br><br>4) Хожиев Дилшод Мураталиевичга<br>***мукофотлар*** – 134 703 998,7 сўм;<br>***иш ҳақининг умумий миқдори*** – 806 244 649,83 сўм;<br>***имтиёзлар*** - берилмаган ва тўланмаган.<br><br>5) Каримов Руслан Анваровичга<br>***мукофотлар*** – 520 552 800,91 сўм;<br>***иш ҳақининг умумий миқдори*** – 1 059 403 338,12 сўм;<br>***имтиёзлар*** - берилмаган ва тўланмаган.<br><br>6) Аллаёрова Дилрабо Нормаматовнага<br>***мукофотлар*** – 2 205 000,00 сўм;<br>***иш ҳақининг умумий миқдори*** – 593 449 571,93 сўм;<br>***имтиёзлар*** - берилмаган ва тўланмаган.<br><br>7) Худайбердиев Бобир Искандаровичга<br>***мукофотлар*** – 12 049 582,79 сўм;<br>***иш ҳақининг умумий миқдори*** – 308 287 501,8 сўм;<br>***имтиёзлар*** - берилмаган ва тўланмаган.<br><br>Ушбу рисоланинг 27-банди бўйича ижроия органи ваколатлари тижорат ташкилотига ўтказилмаган. |
| ***29. Жамиятнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акциялари (улуши)га эга бўлган акциядорлари (иштирокчилари)*** | |
| ***тўлиқ номи, солиқ тўловчи акциядорнинг/иштирокчининг индивидуал рақами, жойлашган манзили*** | ***Тўлиқ фирма номи:***<br>1) «PRESTIJ RIELT» маъсулияти чекланган жамият қўшма корхона<br>***Жойлашган манзили:*** Ўзбекистон, Тошкент шахар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси., 18Б.<br><br>СТИР 300871372, тел: +998 (71) 241-06-33, электрон почта: prestij.rielt@mail.ru, устав капиталдаги улуши – 286 438 817 дона (31,82%).<br><br>***Тўлиқ фирма номи:***<br>2) «AZIA TRANS TERMINAL» маъсулияти чекланган жамияти<br>***Жойлашган манзили:*** Ўзбекистон, Тошкент шахар, Яшнобод тумани, Фарғона йули кўчаси., 13/11.<br><br>СТИР 206653665, тел: +998 (71)-236-76-23, электрон почта: aziatransterminal@gmail.com, устав капиталдаги улуши – 73 345 772 дона (8,15%).<br><br>3) Маматджанов Фарход Фахритдинович.<br>***Манзили:*** Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Хамид Олимжон МФЙ, Осиё кўчаси, 3-уй, 24-хонадон;<br>СТИР: 451597494, устав капиталдаги улуши – 507 815 411 дона (56,42%). |
| ***кузатув кенгаши ҳар бир аьзосига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг жамият устав капиталидаги овоз берувчи акцияларнинг умумий ҳажмига фоиз нисбати*** | Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари Банк акцияларига эгалик қилмайди. |

| | |
|---|---|
| ***таъсисчи ёки йирик акциядор (иштирокчи) жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига ёки устав капиталидаги иштирок этиш улушига эгалик қилишни бошлаган сана)*** | **1. «AZIA TRANS TERMINAL» маъсулияти чекланган жамияти** - 2019 йил 13 февралдан Банкнинг овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига ёки устав капиталидаги иштирок этиш улушига эгалик қилишни бошлаган.<br><br>**2. «Prestij Rielt» маъсулияти чекланган жамият қўшма корхона** - 2012 йил 30 апрелдан Банкнинг овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига ёки устав капиталидаги иштирок этиш улушига эгалик қилишни бошлаган.<br><br>**3. Маматджанов Фарход Фахритдинович** – 2023 йил 01 июндан бошлаб Банкнинг овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига ёки устав капиталидаги иштирок этиш улушига эгалик қилишни бошлаган. |
| ***30. Жамиятнинг бошқа аффилланган шахслари тўғрисидаги маълумотлар*** | ***Тўлиқ фирма номи:***<br>«AZIA TRANS TERMINAL» масъулияти чекланган жамият;<br>***Юридик манзили:*** Ўзбекистон, Тошкент шахар, Яшнобод тумани,Фарғона йули кўчаси., 13/11;<br>***Аффилланган эканига асос:*** устав капиталининг 20 ва ундан ортиқ фоизига Жамият устав капиталининг 20 ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахс эгалик қилади.<br><br>***Тўлиқ фирма номи:***<br>«Prestij Rielt» маъсулияти чекланган жамият қўшма корхона;<br>***Юридик манзили:*** Ўзбекистон, Тошкент шахар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси., 18Б;<br>***Аффилланган эканига асос:*** ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс. |

## V-БОБ. ЖАМИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| ***31. Жамият фаолияти турлари*** | |
|---|---|
| ***Асосий фаолият тури ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар) турлари*** | а) жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисоб-варақларини очиш ва юритиш, ҳисоб варақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;<br>б) пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;<br>в) кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;<br>г) жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;<br>д) маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;<br>е) инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;<br>ж) учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;<br>з) учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);<br>и) қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни |

| | |
|---|---|
| | бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;<br>к) банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизматини кўрсатиш;<br>л) жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;<br>м) молиявий лизинг;<br>н) тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;<br>о) чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шаклллардаги операциялар;<br>п) аффинланган қимматбаҳо металлар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металларни маъсул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металларни эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақаларини юритиш;<br>р) қимматбаҳо металлардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;<br>с) қонунчиликда назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;<br>т) активлар портфелини бошқариш;<br>у) электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;<br>ф) банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш;<br>х) ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;<br>ц) халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар. |
| ***Жамиятнинг лицензиялари (патентлари) тўғрисидаги маълумотлар*** | Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда Банкда банк сохасида барча 20 тоифасида фаолиятини амалга ошириш бўйича 2021 йил 25 декабрдаги 75-сонли лицензияси мавжуд. |
| ***32. Жамиятнинг бозордаги улуши тўғрисидаги маълумот*** | 2025 йил 01 апрель ҳолатига Банкнинг бозордаги улуши қуйидагича:<br>- Депозитлар бўйича улуши - 2.78%;<br>- Кредитлар бўйича улуши - 1.50%;<br>- Активлар бўйича улуши - 1.54%. |
| ***33. Соҳанинг келажакдаги тараққиёти борасидаги прогнозлар ва ушбу соҳадаги жамиятнинг ўрни.*** | Соҳанинг келажакдаги тараққиёти борасидаги прогнозлар ва ушбу соҳадаги Банкнинг ўрни.<br>• Ўзбекистон ЯИМ ҳажми 2025 йилда 6 фоиз ўсиши кутилмоқда.<br>• Узбекистон ахолиси сўнги йил давомида 2 фоизга ўсди.<br>• Иқтисодий қийинчиликларни енгиллаштириш учун 2025 йилда иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар 7% прогноз қилинган инфляция даражасига мос равишда мослаштирилади.<br>• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий фоиз ставкасини инфляцион босимларни назорат қилиш мақсадида 14% га ўзгартирилди ва 2027 йилга бориб 5% инфляция мақсадига эришишни режалаштирмоқда.<br>Юқоридаги омиллар банк сохасининг ривожланишига ижобий таъсир қилади. 2027-2029 йилларда даромад келтирувчи активлар улушининг сезиларли даражада ошиши билан активларнинг камида икки баравар ўсиши режалаштирилган. 2025 йилда корпоратив кредитлар ҳажми |

| | |
|---|---|
| | 22 фоизга ва чакана кредитлар 33,8 фоизга ўсиши режалаштирилмоқда. |
| ***34. Сўнгги 3 йил ичида сотилган маҳсулотлар (бажарилган иш, хизматлар) ҳажми*** | Фоизли даромадлар:<br>2022 йил холатига – 947,4 млрд. сўм;<br>2023 йил холатига – 1 497,9 млрд. сўм;<br>2024 йил холатига – 1 855,3 млрд. сўм.<br><br>Фоизсиз даромадлар:<br>2022 йил холатига – 358,1 млрд. сўм;<br>2023 йил холатига – 437,7 млрд. сўм;<br>2024 йил холатига – 491,5 млрд. сўм. |
| ***35. Жамиятнинг ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари)ни сотишни ташкил этиш бўйича фаолияти*** | Банк, Ўзбекистон республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензия асосида Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тижорат банки фаолиятини амалга ошириб боради. Банк ўз хизматларини 15 филиал ва 20 БХМ ҳамда мобил илова орқали сотишни ташкил этган. |
| ***36. Жамият фаолиятига таъсир қиладиган омиллар*** | |
| ***а) Жамият фаолияти асосий турлари бўйича савдо (иш, хизмат) даромадлилигига ижобий ва салбий таъсир қиладиган омиллар*** | **Ижобий омиллар:**<br><br>Макроиқтисодий омиллар:<br>- Иқтисодий ўсиш — юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий хизматларга талаб ортиши;<br>- Инфляциянинг барқарорлиги — реал фоиз ставкаларни самарали бошқариш имкони;<br>- Валюта барқарорлиги — хорижий валюта операцияларидаги хавфларни камайиши.<br><br>Монетар ва фискал сиёсат:<br>- Марказий банк томонидан ижобий монетар сиёсат — ликвидликни таъминлаш;<br>- Солиқ имтиёзлари ва субсидиялар — фаолиятнинг муайян турларини рағбатлантириш;<br>- Рақамли банк хизматларини ривожлантиришга қаратилган дастурлар.<br><br>Ички омиллар:<br>- Мижозлар базасининг кенгайиши — хизмат кўрсатиш ҳажми ортиши;<br>- Технологик инноватсиялар (мобил иловалар, онлайн банк) — хизматлар сифатининг ошиши ва харажатларнинг камайиши;<br>- Ходимлар малакасининг ошиши — хизмат кўрсатиш самарадорлиги.<br><br>**Салбий омиллар:**<br><br>Макроиқтисодий омиллар:<br>- Юқори инфляция — фоизлар реал қийматининг пасайиши;<br>- Иқтисодий инқироз ёки секинлашиш — кредит талабининг камайиши;<br>- Валюта курсининг кескин ўзгариши — валюта активлар ва пассивлардан келиб чиқадиган таваккалларни ошириши.<br><br>Ички банк муаммолари:<br>- Йўқотилган мижозлар — рақобатчиларга ўтиш;<br>- Хатолар билан берилган кредитлар — кредит портфели сифатининг ёмонлашуви; |

| | |
|---|---|
| | - Кам самарали бошқарув — харажатларнинг кўпайиши ва даромадлиликнинг пасайиши. |
| ***б) Жамиятнинг суд жараёнларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар*** | Банк ўтган 3 йил мобайнида Банк фаолиятининг тўхтатилиши хавфи ёки ўзгариши, банк активлари умумий ҳажмининг 10 (ўн) ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги пул ва бошқа мажбуриятларнинг ундирилиши билан боғлиқ суд жараёнларида иштирок этмаган. |
| ***в) Ваколатли давлат органлари ва (ёки) суд томонидан сўнгги 3 йил давомида жамиятга ва унинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан қўлланган барча маъмурий жазолар (санкциялар, жумладан молиявий) тўғрисидаги маълумотлар*** | Ўтган 3 йил мобайнида Банк ва унинг бошқарув органи аъзоларига ваколатли давлат органлари ёки суд томонидан маъмурий жазо қўлланилмаган. |
| ***г) Таваккалчилик омиллари*** | |
| ***Жамият фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар*** | Банк фаолиятига қисман турли даражада таъсир ўтказиши мумкин бўлган учта асосий хавф-хатарлар мавжуд:<br>1. Тақдим қилинган кредит махсулотларида муддати ўтган кредитлар салмоғининг кескин ошиши. Ушбу хавф-хатар фаолиятига етарлича таъсир ўтказа олади, бироқ Банкда ажратилган кредитларни мониторинг қилиш, муаммоли кредитлар билан ишлаш бўлинмалари иши етарли даражада ташкил қилинган, хамда кредит таъминотини қабул қилиш талаблари ва қабул қилинаётган таъминотни суғурталаш ҳимояси, ажратилган кредитларга заҳиралар яратиш мавжуд.<br><br>2. Янги рақобатчиларни пайдо бўлиши билан боғлиқ хатар. Бунда, рақобатчилар янги махсулотларни бозорга такдим этиш оркали, мижозларни жалб етиш бўйича нисбатан кескин сиёсат олиб бориши мумкин. Бу Банк мижозлар базасининг камайишига олиб келиши мумкин.<br><br>3. Малакали кадрларнинг Банкнинг рақобатчиларига ўтиб кетиши билан боғлиқ хавф-хатар. Рақобатчиларда Банкнинг муҳим тажрибали ходимларини банк фаолиятининг турли йўналиши бўйича жалб қилиб олиш истаги мавжуд. |
| ***Тармоқ хавф-хатарлари*** | Асосий тармоқ хавф-хатари янги рақобатчиларни пайдо бўлиши хисобланади. |
| ***Молиявий хавф-хатарлар*** | Айрим сегментлар бўйича кредитларнинг қайтарилишида муаммолар пайдо бўлиши, Банк фаолиятининг молиявий натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.<br>Валюта курсининг кескин ўзгариши (ошиши) Банкнинг ҳорижий валютади инвестицияларидан валюта курси фарқларидан даромадларнинг ошишига олиб келади.<br>Мамлакатдаги пул-кредит сиёсатидаги салбий ўзгаришлар ва фоиз ставкаларининг ўзгариши, шунингдек, инфляциянинг сезиларли даражада ўсиши Банк фаолиятининг молиявий натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. |
| ***Ҳуқуқий хавф-хатарлар*** | Банк ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб боради, ундаги ўзгаришларни назорат қилади ва ўз вақтида жавоб қайтаради. |
| ***Операцион хавф-хатарлар*** | Банкда қуйидаги операцион хавф-хатарлар мавжуд: |

| | |
|---|---|
| | - мижозларнинг бошқа Банкларга ўтиб кетиши;<br>- Банк бўлинмаларининг ходимларини бошқа ташқилотларига ўтиб кетиши;<br>- Банк фаолиятига Кибер ҳужумлар амалга оширилиши;<br>- ташқи етказиб берувчиларнинг (электр токи, иситиш) хизмат сифатининг ёмонлашиши. |
| ***Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун муҳим деб билган бошқа хавф-хатарлар*** | Банкнинг фикрига кўра, Банкнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун муҳим бўлган бошқа хавф-хатарлар мавжуд эмас. |
| ***37. Хатарларни бошқаришда жамият сиёсати тўғрисидаги маълумотлар.*** | Хавф-хатарларни бошқариш ва камайтириш доирасида Банк томонидан фаолиятнинг давомийлиги таъминланишига риоя қилинади. Хавф-хатарлар пайдо бўлган тақдирда, банкнинг тегишли бўлинмалари ва раҳбарияти томонидан тезкор тартибда кўриб ўрганиб чиқилади ва уларни бартараф этиш, хамда юзага келган вазиятга тезлик билан Банк фаолиятини мослаштириш чоралари кўрилишига оид режа қабул қилинади.<br><br>Бундан ташқари таъкидлаш жоизки, хар йили Банкнинг ташкилий бўлинмалари томонидан, йил бошида Банк фаолиятига таъсир ўтказиши мумкин бўлган хавф-хатарлар аниқланади. Хавф-хатарларни бахолаш ва уларни бартараф этиш ёки таъсирини камайтириш Банк томонидан ишлаб чиқилган “Таваккалчиликларни бошқариш сиесати”, хамда ISO 9001:2015 (Quality management systems – Requirements) халқаро стандартига мувофиқ чоралар ишлаб чиқилиб тадиқланади.<br><br>**Молиявий хавф-хатарларни камайтириш чоралари.**<br><br>Молиявий хавф-хатарларнинг юзага келишини камайтириш мақсадида Банк фоиз ставкалари, инфляция ва бошқа бозор кўрсаткичлари динамикасини кузатишни ўз ичига олган бозор, таҳлилини, банкнинг молиявий холати ва юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларга барқарорликни ўрганиш мақсадида доимий равишда стресс-тестларни ўтказиб бориш.<br><br>**Техник хавф-хатарларни камайтириш чоралари.**<br><br>Банкдаги ахборот инфратузилмаси серверлар, локал тармоқ ва телекоммуникация қурилмаларидан ҳамда компьютерлардан ва ташкилий техникадан (принтер, сканер, кўп функцияли қурилмалар ва хк.) иборат. Банк ахборот инфратузилмасининг узлуксиз ишлаши учун кўриладиган тадбирлар комплекси ўз моҳиятига кўра техник хавф-хатарларни камайтиришга қаратилган.<br><br>Хусусан, серверларнинг иш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, уларни аппарат даражасида тўлиқ захира нусхасини яратиш, виртуал серверларнинг захира нусхасини мунтазам равишда кўчириб бориш йўлга қўйилган. Шу жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган ахборот тизимлари жойлашган серверларнинг co-location марказидаги тўлиқ нусхаси яратилган. Булардан ташқари, тизимли равишда маълумотлар базаларининг кунлик нусхаларини олиб бориш йўлга қўйилган<br><br>Локал тармоқ структураланган кабель тизими, 3-чи ва 2-даражадаги актив қурилмалар (switch, firewall, hub)дан иборат. Актив қурилмалар уланиш нуқталари жиҳатидан |

| | |
|---|---|
| | етарли захирага эга, шу билан бирга, Марказий аппарат жойлашган бинода ҳамда Colocation марказида Интернет тармоғига уланиш учун ўрнатилган firewall қурилмалари дубликатланган.<br><br>Телекоммуникация: Ташқи тармоқлар (Интернет)га уланиш учун оптик толали алоқа каналларидан фойдаланилади, ушбу каналлар ҳам захираланган (иккита мустақил оптик толали алоқа каналларидан фойдаланилади).<br><br>Компьютерларнинг иш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, уларга ўз вақтида тизимли ва техник хизмат кўрсатиб борилади, Операцион тизимлар янгиланиб борилади. Компьютерларга лицензион антивирус дастури ўрнатилган, уларнинг базалари мунтазам равишда, автоматик янгиланиб борилади.<br><br>Ташкилий техникага ҳам ўз вақтида малакали техник хизмат кўрсатиб борилади.<br><br>**Ижтимоий хавфларни камайтириш чоралари.**<br>- иш ҳақини ўз вақтида тўлаш;<br>- ишчиларни оммавий ишдан бўшатишнинг олдини олиш.<br><br>**Экологик хавфларни камайтириш чоралари.**<br><br>Банк ишлаб чиқариш билан шуғулланмагани сабабли унинг экологияга салбий таъсири кузатилмайди. Шунга қарамасдан, Банк лойихаларни тегишли тартибда кўриб чиқиш жараёнида, лойиханинг экология ва атроф мухитга таъсири билан боғлиқ бўлган хавф-хатарлар инобатга олинади хамда қонучилик билан белгиланган холларда тегишли экологик экспертиза хулосасини талаб қилади. |
| ***38. Жамиятнинг устав капитали тўғрисидаги маълумотлар*** | Устав капиталининг ҳажми уставга мувофиқ 900 000 000 000 (тўққиз юз миллиард) сўмни ташкил этади.<br>Бухгалтерия баланси маълумотларига мувофиқ устав капиталининг ҳажми 900 000 000 000 (тўққиз юз миллиард) сўмни ташкил этади.<br>Банкнинг Устав капитали акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қилиш пайтига тўлиқ 900 000 000 000 (тўққиз юз миллиард) сўм миқдорда шаклаантирилган. |
| ***39. Жамиятнинг ўз капитали тўғрисидаги маълумотлар, сўмда*** | 2025 йил биринчи чорак якуни бўйича ўз капитали 1 482 446 108 минг сўмни ташкил этади. |
| ***40. Захира фонди тўғрисидаги маълумот*** | Уставга биноан захира фондининг ҳажми Банк устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этиши лозим.<br>Акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундаги захира фондининг ҳақиқий ҳажми 48 537 234 494 (қириқ саккиз миллиард беш юз ўттиз етти миллион икки юз ўттиз тўрт минг тўрт юз тўқсон тўрт) сўмни ташкил этади.<br>Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтига Банкнинг захира фонди Банк устав фондининг 5,4 фоизини ташкил этади. |

***41. Асосий молиявий кўрсаткичлар***

| **Даромадлилик коэффициентлари** | **2022 йил** | **2023 йил** | **2024 йил** |
|---|---|---|---|
| ROA | 2,73% | 2,62% | 1,50% |
| ROE | 21,69% | 21,22% | 17,09% |

| | | | |
|---|---|---|---|
| ROIC | 3,65% | 6,74% | 3,90% |
| **Ликвидлик (тўлов қобилияти) коэффициентлари** | | | |
| Жорий ликвидлик | 197,3% | 174% | 157,6% |
| **Бозор барқарорлиги коэффициентлари** | | | |
| Таннарх/даромад, % | 52,2% | 59,1% | 66,8% |
| Операцион харажатлар/даромадлар, % | 58,7% | 60,7% | 66,4% |
| **Молиявий барқарорлик коэффициентлари** | | | |
| Қарз/ активлар,% | 98,2% | 98,9% | 98,4% |
| Қарз / ўз капитали, % | 761,6% | 795,0% | 820,8% |
| Қарз/ IC, % | 1435,2% | 1473,9% | 1440,2% |

| | |
|---|---|
| ***42. Жамиятнинг ҳисоб юритиш сиёсати ҳақидаги маълумотлар*** | Бухгалтерия ҳисоби Банкнинг Ҳисоб сиёсати томонидан амалга оширилади |
| ***43. Сўнгги 1 тугалланган молиявий йил учун даромаддан фойдаланиш асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар, минг сўм*** | Банкнинг 2023 йил якунига кўра олинган 250 343 721,99 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимланган:<br>- захира фондига – 12 517 000,00 минг сўм;<br>- дивидендлар тўлашга – 178 500 000,00 минг сўм. |
| ***44. Мазкур Рисола тасдиқланган кунгача сўнгги йил учун аффилланган шахслар билан тузилган йирик битимлар тўғрисидаги маълумотлар*** | Банк мазкур Рисола тасдиқлангунга қадар охирги йилда аффилланган шахслар билан йирик битимлар тузмаган. |
| ***45. Жамият активлари умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активлар, ҳар бир активнинг тегишли баланс қиймати кўрсатилади*** | Банк активлари умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активлар мавжуд эмас |
| ***46. Жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги дебиторлик қарзи*** | Банк активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдорини ташкил этувчи дебиторлик қарзи мавжуд эмас. |
| ***47. Жамиятнинг аосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва жамият мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи*** | Банкнинг асосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва Банк мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи мавжуд эмас. |
| ***48. Жамият томонидан асосий фаолятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият мажбуриятларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этадиган кредиторлик қарзи*** | Банк қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш вақтида асосий фаолият турини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, Банк мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзига эга эмас. |
| ***49. Сўндирилмаган кредитлар (қарзлар) тўғрисидаги маълумотлар*** | Илова қилинади |
| ***50. Солиқ тўловлари бўйича муддати ўтиб кетган қарз миқдори, сўмда*** | Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш вақтида Банкда муддати ўтган солиқ қарзи йўқ. |
| ***51. Активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган жамиятнинг инвестициялари тўғрисидаги маълумотлар*** | Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда Банк активлари баланс қийматининг 10 ёки ундан ортиқ фоизини ташкил этувчи инвестицияларни амалга оширмаган. |

## VI-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

| | |
|---|---|
| ***52. Мазкур Рисола нусхалари ва асл нусхаси билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисида маълумот*** | Эмитентнинг акциялари эмиссия рисоласининг асл нусхаси ва нусхалари билан «InFinBank» АЖга ариза асосида қуйидаги манзил орқали Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй; тел.: +998 (71) 202 50 60; факс рақами мавжуд эмас info@infinbank.com орқали танишиш мумкин. |
| ***53. Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши шартлари жойлаштириладиган ахборот-маълумот тизимлари, даврий нашрлар манзиллари ва номлари*** | Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши шарт бўлган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz), эмитент веб-сайтида (infinbank.com), "Тошкент"РФБ веб-сайтида (www.uzse.uz) ва Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. |
| ***54. Жамият қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жамиятнинг фикрига кўра ошкор этилиши зарур бўлган бошқа маълумотлар*** | Банк қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Банкнинг фикрига кўра ошкор этилиши зарур бўлган бошқа маълумотлар мавжуд эмас. |

**«InFinBank» АЖ**
**Акциялар чиқариш тўғрисидаги эмиссия рисоласи**

Рақамланди, тикилди 88 варақда.

Раҳбар ____________________

Бош бухгалтер ____________________